**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Ўзбекистон Миллий университети**

**География факультети**

**Ўзбекистон география жамияти**

# ГЕОГРАФИЯ: ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР

Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг

Республика илмий-амалий конференцияси

# МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 28-29 март 2012 йил

Укам Бекжонга
ушбу соғлом [illegible]
мулоҳазаси бўлиш
бир кун [illegible] бизга
шундай китобларни
совға қилишингиз[illegible]
[illegible]
[illegible]
А. [illegible]
28.03.12 г.

Тошкент – 2012

## II- секция:
## Иқтисодий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография

*Федорко В.*
НЕКОТОРЫЕ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.................... 40
*Худайберганова Р. Т.*
ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.................... 44
*Гаипова Р.Т., Ешмуратов Ш.*
ҚУЙИ АМУДАРЁ РАЙОНИ ТРАНСПОРТИ РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ.................... 48
*Божедомова К.А.*
НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ РЕЛИГИОЗНОГО ТУРИЗМА.................... 51
*Халмирзаев А.А., Эгамбердиева У.Т.*
ГЕОГРАФИК ҚОНУНИЯТЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР.................... 54
*Солиев О.Р.*
ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ТАРМОҚЛАР ТАРКИБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.................... 56
*Алланов Ш.Қ.*
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХОЗИРГИ НОЗОГЕОГРАФИК ХОЛАТ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.................... 59
*Нурматов М.*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА КИЧИК ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР ҲАМДА ЙЎНАЛИШЛАР ВА УЛАРДАН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ.................... 62
*Эгамбердиева У.Т.*
ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.................... 63
*Абдуллаева Г.М., Хакимжонова Д.Ш.*
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИ ХУДУДИЙ МУАММОЛАРИ.................... 66
*Абдуллаев А.Г.*
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КОНСЕРВА, ҚАНДОЛАТ ВА ШАКАР САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА МУЖАССАМЛАШУВИ.................... 68
*НУРМАТОВ М.*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ЧУСТ ШАҲРИ ПИЧОҚЧИЛИГИ МИСОЛИДА).................... 70
*Алимова Г.А.*
ФОРМИРОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ОСНОВ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ИТАЛИИ И УЗБЕКИСТАНА.................... 72
*Сафарова Н., Тўраев Қ.*
ЖАҲОННИНГ ТУРЛИЧА РИВОЖЛАНГАН ҲУДУДЛАРИДА ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЁШ ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ.................... 74
*Абдуллаева Г.М., Хакимжонова Д.Ш.*
МАМЛАКАТДА АГРАР СИЁСАТ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ХУСУСИДА.................... 77
*Ибрагимов Л.З.*
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ.................... 80
*Ражабов Ф.Т.*
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ЎСИШИ ВА ЖОЙЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.................... 82



*Голубь А.Б., Шведов В.Г.*
ИССЛЕДОВАНИЕ ГЕРАЛЬДИКИ СУБЪЕКТОВ РОССИЙСКОГО ДАЛЬНЕГО ВОСТОКА, КАК ОДНОГО ИЗ ВЕДУЩИХ ФАКТОРОВ ФОРМИРОВАНИЯ ИМИДЖА РЕГИОНА.................... 84
*Safarov. U.*
SURXONDARYO VILOYATINING HOZIRGI DEMOGRAFIK VAZIYATI VA UNGA TA`SIR ETUVCHI OMILLAR.................... 87
*Зокирова Н.Э.*
МИНТАҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ.................... 89
*Назаров М.И., Сидиқов Х.М.,*
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.................... 91
*Сидиқов Х.*
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ СОНИНИНГ ЎСИШИ ВА ЖОЙЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ (1989-2011 йиллар).................... 93
*Ибрагимов Л.З., Зикиров Б.Я.*
АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ.................... 95
*Тўраев Қ.Т.*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА АҲОЛИ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ.................... 98
*Файзуллаев М.А.*
ҚУЙИ ҚАШҚАДАРЁ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ.................... 99
*Негматов С.Қ.*
ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ (ЭИЗ) МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН АҲАМИЯТИ.................... 102
*Халмирзаев А.А., Ешмуратов Ш.*
ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.................... 104
*Мирзаева Ш.К.*
НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ СТРУКТУРНЫХ СДВИГОВ В ЭКОНОМИКЕ.................... 106
*Акбаров Ғ.А.*
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.................... 108
*Машарипова. Ш.*
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ.................... 109
*Uzaqbaev Q.*
QORAQALPOG`ISTON RESPUBLIKASIDA QURILISH SOHALARINING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.................... 112
*Ортиқбоев Р. Ж.*
АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИДИР.................... 113
*Таштаева С.К., Эгамбердиева М.М.*
ТОШКЕНТ ШАҲРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.................... 114
*Уралов Е.О.*
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.................... 117
*Успанкулов Б.*
АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ.................... 119
*Ешмуратов Ш.Ф.*
ЖАҲОН ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.................... 121

Вилоят худуди Республика худудининг 3,7% ини ташкил этади ва аҳолисининг 11,1% и истиқомат қилади. Аҳолисининг ўртача зичлиги Республика кўрсаткичларидан 3 баробар кўп. Вилоят қадимдан суғорма деҳқончилик қилинадиган, ишлаб чиқариш маданияти юқори, аҳолиси зич худудда жойлашган. Вилоятда саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Олиб борилган таҳлиллар вилоят иқтисодиёти тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи юқори (39%)лигини кўрсатмоқда. Бундай таркиб ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий жараёнларни модернизациялаштириш шарт-шароитларига ва республика иқтисодиётини ривожлантириш устуворликларига мос келмайди. Вилоят бу кўрсаткичлар бўйича хаттоки умумдавлат кўрсаткичларидан ҳам анча ортда қолмоқда. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи атиги 17,5% ини ташкил этиши фикримиз далили ҳисобланади.

Вилоят иқтисодиёти тармоқ таркибини янада такомиллаштириш қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги салмоғини камайтириш, саноат тармоқларининг салмоғини эса янада орттиришни талаб этади.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи 10,7%ни ташкил этади. Республика иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи эса 2010 йилда 23,9%ни ташкил этганлиги ижобий ҳолат бўлиб, вилоят кўрсаткичларини ҳам унга тенглаштириш зарурияти пайдо бўлади.

2015 йилда Республика саноат ишлаб чиқаришининг салмоғини 28%га етказиш режалаштирилмоқда. Шу сабабли вилоят саноат ишлаб чиқариши таркибини такомиллаштириш ва уни модернизациялаш асосида жадал ривожлантириш мақсадга муофик бўлади.

Юқоридагиларга қарамасдан, вилоят Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан ҳисобланиб, унда "СамАвто" ҚК, "БАТ Ўзбекистон" ҚК, "Пулсар" концерни, "Сино" ҲЖ, "СамарқандЛифт" ҚК, "СамарқандКимё" ҲЖ, "СамЖинТекс" ҚК каби кўплаб республика аҳамиятига молик саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

2010 йилда вилоятдаги 40 та йирик саноат корхоналарининг махсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 54,6 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улуши эса 45,4 фоизни ташкил этди. Шуни эътиборга олиб, саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш, тадбиркорларга барча имкониятларни яратиб бериш ҳозирги кун талабларидан ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатларини бартараф қилиш шароитида озиқ-овқат билан бирга саноат маҳсулотларининг ҳам тақчиллигига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда вилоятда 2010-2012 йилларга мўлжалланган худудий дастур ишлаб чиқилди. Дастур доирасида 2010-2012 йилларда 283 та корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсад қилинган. Саноат тармоқларини диверсификациялашга катта эътибор берилган.

Дастурдаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми 2012 йилга бориб 1 трлн. 229,0 млрд.сўмни ташкил этиши ва 2008 йилга нисбатан 38,6 фоизга ўсишини таъминланиши белгиланган.



2010 йилда дастур доирасида жами 208 та лойиҳалари амалга оширилди. Унинг 5%ини хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ташкил этади. Лойиҳаларнинг 20,7%и ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 20,7%и озиқ-овқат, 20,7%и қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 13,2%и паррандачилик маҳсулотлари, 8%и парандачиликни, 8%и иссиқхоналарни қуриш ва 4%и асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилган.

2011 йилнинг 11 ойида жами 182 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, хорижий инвестиция иштирокидаги 4 та лойиҳа, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш (ноозиқ, қурилиш) йўналишида 67 та лойиҳа, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш (гайёр озиқ-овқат, парранда, иссиқхона, асаларичилик ва балиқчилик) йўналишида 111 та лойиҳалар амалга оширилди.

Масалан, Самарқанд шаҳрида 3,0 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "ДакаТекс" корхонаси, Жомбой туманида йилига 30 минг тонна корбанат-кальцит ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Жомбой жавоҳири" корхонаси, Самарқанд туманида "Сам-Рос-холод" корхонасида замонавий қурилиш материаллари, яъни профнастил ва сендвич панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қурилиш материаллари саноати бўйича Пайариқ тумани "Меъёр қурилиш стил" корхонасида асфальт-бетон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги 1306-сонли қарорига асосан вилоятда 18 та саноат корхоналари 42 та лойиҳа билан маҳаллийлаштириш дастурига киритилди.

Дастур доирасида вилоятда импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади. Дастурини амалга ошириш мобайнида хорижий валюта тежалиб, унга уч баробар кўп миқдорда тайёр маҳсулотлар экспорт қилинди ва валюта тушумлари таъминланди. Янги ишчи ўринлари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят иқтисодиётида саноатнинг ўрни ва ролини оширишга, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини оширувчи саноат корхоналарининг сонини ошириш, улардаги ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялашга катта эътибор бериш зарур. Ушбу жараёнларнинг янада фаоллашуви эса вилоятни республика минтақалари ичидаги рақобатбардошлигини янада оширади ҳамда иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш имконини беради.

***Резюме:*** *в статье рассматриваются вопросы совершенствования отраслевой структуры экономики региона.*

## АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ

*Успанкулов Б.*

*Тошкент архитектура қурилиш институти*

Ўзбекистон Республикасида ер-давлат мулки ва бойлигидир,ундан ҳар томонлама оқилона ва унумли фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини янада юксалишига олиб келади.Бугунги бозор муносабатлари қарор топаётган

шароитда айниқса аҳоли пунктлари чегараларидаги ерлардан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ниҳоятда муҳимдир.Бунда республикамизнинг маъмурий туманларида фаолият юритаётган махсус хизматлар томонидан кейинги йиллари аҳоли пунктлари ерларини тезкор хисобини юритиш,яъни йўқлама қилиш (инвентаризация)ишларининг натижалари катта амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.Буни республика бўйича аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар типидаги поселкалар)ерларни охирги 5 йил ичидаги миқдорий ўзгаришлари тўгрисидаги маълумотлар ҳам ёрқин кўрсатади (1-жадвал)

1-жадвал

**Республика бўйича аҳоли пунктлари ерларини ўзгариш суръати**

| Т.р. | Ер турлари | Миқдорлари,минг га | | | 2011йил 2006йилга нисбатан +,- |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2006й | 2008й | 2011й | |
| 1. | Умумий майдон | 237,8 | 234,9 | 220,4 | -17,4 |
| | шундан:суғориладиган | 48,5 | 48,5 | 48,7 | +0,2 |
| 2. | Экин ерлари | 1,7 | 1,5 | 0,9 | -0,8 |
| | шундан:суғориладиган | 1,6 | 1,5 | 0,9 | -0,7 |
| 3. | Кўп йиллик дарахтзорлар | 1,3 | 1,0 | 1,0 | -0,3 |
| | шундан:суғориладиган | 1,2 | 1,0 | 0,9 | -0,3 |
| 4. | Томорка ерлари | 64,7 | 68,2 | 70,3 | +5,6 |
| 5. | Ўрмонзорлар | 4,4 | 4,2 | 2,9 | -1,5 |
| | шундан:суғориладиган | 3,1 | 2,9 | 2,0 | -1,1 |
| 6. | Бошқа ерлар | 158,1 | 152,7 | 138,2 | -19,9 |

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики,охирги 5 йил давомида аҳоли пунктлари ер майдонларига аниқликлар киритиш бўйича катта хажмлардаги ер кадастри ишлари бажарилган.Хусусан,умумий ер майдонларини, ўрмонзорлар ва бошқа ерлар майдонларини камайиб кетганлигини айнан уларга аниқликлар киритиш иши билан боглаш мумкин.Аммо эътроф этиш зарурки,бугунги кунга қадар аҳоли пунктларининг майдонлари бўйича "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан тузилиб келаётган ер балансини унчалик тўғри деб бўлмайди.Негаки,шаҳар ва поселкалардаги бино ва иншоотлар,кўча ва суғориш тармоқлари,парк ва хиёбонлар билан банд ерлар,шунингдек бошқа умумий фойдаланишдаги ерлар барчаси "бошқа ерлар"гуруҳига киритилган.Бундай хисоб-китоб аксарият холларда чалкашликларга олиб келади.Шунинг учун,фикримизча,ер балансининг шаклларига зарурий қўшимчалар киритиш зарур.

Аҳоли яшаш худудларидаги ерларнинг миқдорий хисобини туғри йўлга қўйиш ер-мулк солиғи,суғурталаш,ер участкаларига бўлган хуқуқларни гаровга қўйишни тартибга солишда муҳим асос ҳисобланади.Шу нуқтаи назардан 1997-йилдан бошлаб ерларни йўқлама қилиш ишлари амалга оширила бошланди.Охирги 4-5 йил давомида бу иш аҳоли пунктлари ерларида қизгин олиб борилмоқда.Ушбу ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва йўқлама қилиш бўйича бажарилган амалий ишлар шуни кўрсатадики,аксарият аҳоли пунктларида амалда ерлар туман ҳокимяти томонидан чиқарилган қарордагидан бирмунча кам ёки кўпрок миқдорларда ажратилган.Бунга асосий сабаб ариқлар,газ қувурлари,йўллар минтақаларини,



шунингдек кичик-кичик каровсиз ётган ер бўлакларини асоссиз ўзлаштирилиши ёки ер майдонларини ностандарт тақсимланиши бўлган. Хусусан, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Май" қишлок фукаролар йиғинига карашли аҳоли пунктлари худудида ўтказилган ерларни йўқлама қилиш натижалари кўрсатадики, 19 та хонадонга ажратилган ерларнинг миқдорлари хужжатидан ортиқча бўлган,яъни куйидаги,1-расмдаги каби майда ер бўлаклари худудни тўла ободонлаштириш мақсадида ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олинган ёки баъзи худудларда бундай ерлар ташландиқ холатига келиб қолган.(1-расм)



1-расм.Аҳоли пунктларидаги ортиқча ерлар

Шундай экан,бундай ерларни алоҳида қайд қилиб,ер конунчилигида кўзда тутилган холда ушбу майдонлар ёнидаги хонадонларга бириктириш ва улардан ҳам ер солиғини ундириш ҳар бир аҳоли пунктларидаги ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда муҳим омил бўлади.

Умуман хулоса қилиш мумкинки,ерларни даврий равишда йўқламадан ўтказиб туриш томорка ерларидан унумли фойдаланиш,ер солиғи тизимини тартибга солиш учун асос бўлади.Шундай экан уни илғор технологиялар асосида ўтказиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1.Бабажанов А.Р,Рахмонов Қ.Р,Ғофиров А. Ер кадастри Т,ТИМИ,2008
2.Ўзбекистон Республикасининг ер фонди (01.01.2011й). Т,Ергеодезкадастр,2011

## ЖАҲОН ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ешмуратов Ш.Ф.*
*Ўзбекистон Миллий университети*

Замонавий халқаро транспорт тизими хизмат кўрсатиш тармоғи бўлиб, унга юк ва йўловчи ташишни амалга оширувчи XX асрда шаклланган тармоқлар киради.

Транспорт тизимига инфраструктура *(автомобиль ва темир йўллар, каналлар, қувурлар)* терминаллар *(темир йўл ва автобус станциялари, аэропортлар, денгиз ва дарё портлари)* ва ҳаракат воситаларини ўз ичига олади. Транспорт худудлар ўртасидаги хўжалик алоқаларини барқарорлигини таъминлайди.

Глабол даражадаги транспорт инфраструктурасининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва аҳолининг марказлашуви ҳамда худудларининг ихтисослашув даражасини ўзида акс эттиради.